



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA’LIM, FAN VA
INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI

ALISHER NAVOIY NOMIDAGI TOSHKENT DAVLAT O‘ZBEK
TILI VA ADABIYOTI UNIVERSITETI

“ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BOBUR MEROSINING SHARQ DAVLATCHILIGI VA MADANIYATI RIVOJIDA TUTGAN O‘RNI”

mavzusidagi III xalqaro ilmiy-nazariy va
amaliy anjuman materiallari



2026-yil 12-fevral





**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA’LIM, FAN VA
INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI**

**ALISHER NAVOIY NOMIDAGI TOSHKENT DAVLAT O‘ZBEK TILI
VA ADABIYOTI UNIVERSITETI**

O‘ZBEKISTON YOZUVCHILAR UYUSHMASI

BOBUR NOMLI XALQARO JAMOAT FONDI

**ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BOBUR
MEROSINING SHARQ DAVLATCHILIGI VA
MADANIYATI RIVOJIDA TUTGAN O‘RNI**

III xalqaro ilmiy-nazariy va amaliy anjuman materiallari

Toshkent – 2026

**АБДУЛЛА ОРИПОВ ШЕЪРИЯТИДА БОБУР ИЖОДИНИНГ
ТАЪСИРИ
IN THE POETRY OF ABDULLA ORIPOV INFLUENCE OF BABUR'S
CREATION**

Азамат ЗАРИПОВ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси,
Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).

Аннотация. *Мазкур мақолада мумтоз ўзбек адабиётининг йирик намояндаси Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳамда замонавий ўзбек шеъриятининг забардаст вакили Абдулла Орипов ижодининг ўзаро бадший-эстетик муштараклик жиҳатлари таҳлил этилган. Асосий эътибор Ватан мавзусининг ҳар икки ижодкор шеъриятидаги талқини, ватанпарварлик туйғусининг ифодаси, шахс ва жамият муносабатларининг бадший-фалсафий асосларига қаратилган. Шунингдек, мақолада Абдулла Орипов ижодида мумтоз адабиёт анъаналарининг, хусусан, Бобур лирикасининг таъсири илмий-назарий жиҳатдан асосланади. Ижодкорларнинг пейзаж лирикаси, табиат образлари ва миллий руҳни ифодалашдаги ўзига хос услуби қиёсий таҳлил асосида ёритилган. Муаллиф Бобур ва Абдулла Орипов шеъриятидаги анъана ва новаторлик уйғунлиги миллий адабиёт тараққиётида муҳим ўрин тутишини хулоса қилади.*

Калит сўзлар: *замонавий ўзбек шеърияти, ватанпарварлик, бадший-эстетик тафаккур, анъана ва новаторлик, қиёсий таҳлил, пейзаж лирикаси, миллий руҳ, ижодий концепция.*

Annotation. *This article analyzes the artistic and aesthetic commonalities between the works of Zahiriddin Muhammad Babur, a major figure in classical Uzbek literature, and Abdulla Oripov, a prominent representative of modern Uzbek poetry. The main attention is paid to the interpretation of the theme of the Motherland in the poetry of both creators, the expression of a sense of patriotism, and the artistic and philosophical foundations of the relationship between the individual and society. The article also scientifically and theoretically substantiates the influence of classical literary traditions, in particular, Babur's lyrics, on the work of Abdulla Oripov. The creators' unique style of expressing landscape lyrics, images of nature, and the national spirit is highlighted on the basis of a comparative analysis. The author concludes that the harmony of tradition and innovation in the poetry of Babur and Abdulla Oripov plays an important role in the development of national literature.*

Keywords: *modern Uzbek poetry, patriotism, artistic and aesthetic thinking, tradition and innovation, comparative analysis, landscape lyrics, national spirit, creative concept.*



Ҳазрат Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби улуг алломалар томонидан яратилган нодир, бебаҳо илмий асарларнинг жаҳон адабиёти тараққиёти, илм-фани ривождаги аҳамияти, илмий салоҳияти, инсоният тафаккурининг, халқимиз, айниқса, ёш авлод маънавиятини юксалтиришдаги ўрни ва роли ниҳоятда муҳим. Хусусан, ҳазрат Бобур ҳаёти ва ижоди, ўлмас асарлари, бобурийларнинг Ҳиндистон тараққиётидаги ўрни беқиёс катта эканлиги барчага бирдек маълум.

Профессор Нурбой Жабборовнинг эътирофига кўра, “Муайян ижодий концепцияга эга бўлган шоир ёки адибгина адабиёт оламида муносиб эътироф қозона олади. Ижодий концепция, ўз навбатида, ижодкорнинг адабий-эстетик идеалида тўлақонли намоён бўлади. Жумладан, чинакам шоир шеъриятга фақат ўзигагина хос талаблар асосида ёндашади; ижодда қатъий мезонларга таянади, ундан заррача ҳам оғишмайди; юксак идеалларни куйлайди; шеърияти ва шахси мутаносиб келади”.

Абдулла Орипов, эндигина, ижод оламига кириб келаётган кезларида, устоз шоир Мақсуд Шайхзода уни ёнига чорлаб: “Абдулла Ориф ўғли, ижодингиз дуруст. Шу ўринда бир гап доим ёнингизда турсин, шеър ёзганда асосий эътиборни сўнгги мисрага қаратинг. Бутун шеър давомида бермоқчи бўлган фикр ёки кайфият охириги мисрада мухтасар этсин, шеърнинг охириги мисраси гўёки унга қадалган олтин миҳ каби бўлсин”, деган экан.

Бугунги шеъриятимизда Шахс ва Жамият психологиясини ўрганиш, тушуниш ва эстетик баҳолашдаги бадий-фалсафий фикр ўзига хослиги билан аввалги босқич нуқатаи назаридан фарқланади. Ижодий майллардаги оҳирли талқинлар, идрок ва ифоданинг янги йўналишлари бадий-эстетик тафаккур тақомилининг янги босқичи бошланганидан далолат беради. Бу борада таниқли шоир Абдулла Орипов шеърияти адабий-эстетик тафаккур тақомилида Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодининг ўрни масаласи кўплаб олимларимиз томонидан тадқиқи қилинган. Айниқса, ёш олима Ойбарчин Абдулҳақимова томонидан икки ижодкор асарлари қиёсий таҳлили аслсида миллий шеъриятимиздаги анъана новаторликнинг тадрижий тақомили хусусида назарий баҳо берилган.

Абдулла Орипов адабий-эстетик тафаккури тақомилида мумтоз адабиётнинг ўрни алоҳида. Шоирнинг Заҳириддин Муҳаммад Бобурга бўлган ҳурмати бениҳоя баланд бўлгани маълум. Мумтоз адабиёт ва Абдулла Орипов ижодидаги муштараклик Бобур лирикасида ҳам кўзга ташланади. Бобур ва Абдулла Орипов ижодини қиёслар эканмиз, мавзуларнинг ғоятда уйғунлигига гувоҳ бўламиз. Ҳар бир даврдаги шоирлар муҳаббат, садоқат, дўстлик, тинчлик ва яна кўплаб мавзуларда ижод қилишган, асарлар яратишган. Шу мавзулар орасида энг қийин, чинакам санъат асари яратиш мушкул бўлган мавзу бу-Ватан мавзуси.



Ватан ҳақида маддоҳликдан узоқ, самимий ва тоза шеър яратиш ғоятда мушкул. Замонавий ўзбек адабиётида бундай вазифани удалай олган ижодкорлар санокли. Абдулла Орипов айнан шу санокли ижодкорлар сафида. Бу ҳақида атоқли адиб Одил Ёқубов ҳам шундай ёзади: “Она-Ватан Абдулла ижодининг бош мавзуи. Ватанни бу қадар жондан севиш, шу севгига муносиб тарзда шарафлаш мумкинлигини ҳали-ҳозиргача бошқа биров бунчалар ёрқин намоеън этганича йўқ...”. Ҳақиқатда, шоир асарларининг аксарият қисмида Ватанга бўлган муҳаббат, садоқат ва халқ дардини куйлаши мавзулари етакчилик қилади. Шу биргина асарини кўрсак ҳам, шоирнинг Ватанга бўлган муҳаббати қанчалар чексиз экани, у Ватан учун ҳатто жонини фидо қилишга ҳам тайёрлигини ҳис қилиш қийин эмас:

*Дунёда бўлмай десанг Ватандан жудо,
Муносиб бўла бил унга бир умр,
Ватанга жонингни қилолгин фидо.*

Абдулла Ориповнинг ўзи эса бу мавзу тўғрисида шундай дейди: “Ҳар қандай ижодкор учун халқини куйлашдан, юртининг оғриқлари билан яшашдан муқаддасроқ нарса бўлиши мумкин эмас. Мен шундай тушунаман ижодни. Тўғри мавзу, масалаларнинг чеки йўқ. Лекин шахсан мен учун севинч-дардим-бари Ватанимдир”. Шоир таъкидлаганидек, мавзулар кўп, аммо Ватан мавзуси чинакам шоир ижодининг ёрқин жиҳатларини, асл моҳиятини очиб беради.

Мумтоз адабиётда эса Ватан соғинчи, ҳажри билан яшаган Бобур ғазаллари қалбимизга кириб бора олади. Бу жиҳатдан, адабиётшунос олим В.Раҳмонов Бобурнинг ижоди ҳақида куйидаги фикрларни билдирган: “Бадиий маҳорат бобида бирор ўзбек шоири Бобур билан беллаша олмайди, унинг мумтоз шеърлятига дадил киритган таржимаи ҳоли ҳам Бобур шеърлятини алоҳида нурлантириб туради. Ана шу кейинги хусусият шоирнинг ватанпарварлик туйғуларига жон бағишлайди”. Ҳақиқатдан ҳам, Бобур ижоди Ватан мавзусининг ёрқин ёритилиши билан адабиёт оламида алоҳида аҳамият касб этади. Хусусан, Бобурнинг барчага маълум ва машҳур рубойида катта шоирлик, яратувчанлик акс этади:

*Толёй йўқи жонимга балолиг бўлди,
Ҳар ишники айладим, хатолиг бўлди.
Ўз ерин қўйиб, Ҳинд сори юзландим,
Ё Раб, нетайин, не юз қаролиг бўлди.*

Буюк подшоҳнинг бу қадар очиқ ойдин иқрори. Ватан нақадар улуғ тушунча эканлигини, унинг олдидаги бурч ва вазифаларни ҳеч бўйин товламай бажариш лозимлигини, энг асосийси Ватан олдида ҳар қандай хатони очиқ ойдин тан олмоқ жоизлигини кўрсатиб беради.

А.Орипов адабий-эстетикасида Бобурнинг ўрни беқиёс. Бобур қанчалик ватанини улуғвор ва жаннатмакон этиб тасвирласа, Абдулла Орипов ҳам Ватанини ҳеч нарсага тенглаштириб бўлмайдиган



тенгсизлигини эътироф этади. Шоир 2015 йилда яратилган “Айрилма” шеърида ватанга бўлган чексиз муҳаббатини ифодалайди:

*Дунёда топганинг Ватандир танҳо,
Сенга халқинг ўзи суянч аввало.
Хокинг шу тупроққа бўлгусидир жо,
Айрилиб қолмагин тириклай туриб.*

Шоир худди Бобур сингари Ватанни севишини, ундан айрилиб қолишидан кўқишини айтади. Ҳатто ўлгандан кейин ҳам хоки шу Ватанда қолишини истайди. А.Орипов ҳар бир ҳодиса замирида Ватан ва миллатни кўрди. Шоирнинг ҳар бир сатрида миллий руҳ барқ уриб туради. Бобур ҳам ушбу рубоийсида ватанга бўлган муҳаббатини гўзал тарзда ифода этади:

*Кўндин бериким, ёру диёрим йўқтур,
Бир лаҳзаю бир нафас қарорим йўқтур.
Келдим бу сори ўз ихтиёрим бирла,
Лекин боруримда ихтиёрим йўқтур.*

Нақадар улуғ иқроор! Бутун бошли юртнинг иқроори. Муҳаббат ҳеч қачон ўлмайдиган туйғудир. Ватанга муҳаббат ҳам муҳаббатнинг энг гўзал кўринишларидан биридир.

А.Орипов табиатнинг ошиғи. Ҳар иккиси бир-бирини жони-дилидан севади. Ҳайратланарлиси, табиат ҳам А.Ориповга кўнглидан жой берган. Юрак – юрагининг ардоғида. Қаранг, шоир қалби билан табиатни севади, сўз каби улуғлайди, қадрига етади. Шу боисдан ҳам ҳар иккиси бир-бирига дилини очади. Кўнгил сирлари ила бўлишади. Бир-бирининг қадрини кипригида кўтаради. Эъзоз-эътиборини бошига кўяди. Ана шу дилдошлик, кўнгил пайвандлиги А.Орипов пейзаж лирикасининг ҳаётийлигини, жонли ва табиийлигини таъминлайди. Ана шу беадад меҳр-муҳаббат туфайли бўлса керак, поэтик тимсоллар оппоқ саҳифаларга кўчиб ўтганда гул-гул очилиб кетади. Бу жиҳатни биз Бобур ғазалларида, хусусан “Бобурнома” асарида яққол кўришимиз мумкин.

*Олча боғларидан эсган шўх шамол
Кўзларимни бирдан ёшлаб кетади.
Сўнгра ижод гули кўрсатиб жамол,
Сирли суҳбатларга бошлаб кетади.*

Ушбу сатрлар А.Ориповнинг “Кўклам” шеърідан. Ранглар рамзига, дов-дарахтлар, майса-гиёҳлар манзарасига асосланган табиат тимсоллари дунёни, одам руҳониятини идрок ва ифода қилишдаги янги маъно қирралари билан эътиборни тортади. Кўпроқ туйғулар замиридан сизиб чиқаётган фикрнинг суратлари акс эттирилади.

*Севган ва севилган диллар куйининг
Муסיқасин топар бундан газалхон.
Кулгудан сачраган – баргларда шудринг,
Қизлар қаҳқаҳаси – чаималар хандон...*

Табиат манзараларида севган ва севилганларнинг ўз кўшиғи, ўз оҳанги бор. Шоир буни қалби билан тез англайди. Кулгу – шудринг сачраган барглarga, қизлар қаҳқаҳаси эса ўйноқилиб оқаётган чашмаларга қиёс этилади. Улар ўзаро боғлиқликда воқеликнинг кечинмаларга кўчган ҳаётини кўриш, завқ туюш ва яна, шу ҳолат кайфиятлар оғушида яшашга чорлайди.

А.Ориповнинг пейзаж лирикасидаги осмон, тупроқ, гул образлари зиммасига юклатилган гўзаллик, бокиралик тушунчасини буткул янгича талқин этади. Шеърнинг бадиий-эстетик салоҳиятини осмонлардан тушиб келган гул образи зиммасидаги оҳорли мазмун белгилаётир. Бу ҳолатни биз шоирниг “Гул ва шабнам” шеърда ёрқинроқ тушунамиз.

Гул хуснига кўндандир шабнам –

Бўлган экан ошиқ, беқарор.

Унга ҳар тонг сўйларкан розин,

Бўлгил, деркан, менга вафодор.

Шоир бу мисраларида шабнамга ошиқ бўлган гул севгисига мурожаати самимий, покизадир. У соф туйғусини ҳар тонг тилаклари самимий, истак ва майллари битта, у ҳам бўлса вафодор бўлишдир. Шоир лирик қаҳрамонининг кейинги кечинмалари инсон истаклари ва табиат хоссалари билан уйғунликда кечади.

Дунёнинг чекки чегараси инсон юрагидан бошланиб, кўнгил авроқларида тугаркан. Таажжубки, бу ҳол банданинг мулки борлиқ ичра бир зарра мисоли эканлигини англатади. Шу билан баробар, борлиққа ҳам маҳкум, ҳам масъул эканлигини тасдиқлаётир.

Демак, Абдулла Орипов шеърлятидаги руҳоният, Ватанга бўлган муҳаббат ёки она табиатни юрак-юракдан севиш каби қарашлар Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодидан илҳомланиб битилган, десак асло муболаға қилмаймиз.

Адабиётлар:

1. Жабборов Нурбой. Замон, мезон, шеърлят. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2015.
2. Жўрақулов Узок. Биографик талқин: тарихи, табиати, методологияси. //ЎзМУ хабарлари журнали, 2006.
3. Комилов Нажмиддин. Тафаккур карвонлари. – Тошкент: Sharq, 2011.
4. Орипов Абдулла. Танланган асарлар. Тўрт жилдлик. Биринчи жилд. Т.: Адабиёт ва санъат, 2000.
5. Орипов Абдулла. Танланган асарлар. Саккиз жилдлик. 7-жилд. –Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2013.
6. Орипов Абдулла. Танланган асарлар. 8-жилд. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2016.
7. Орипов Абдулла. Шоирнинг туғилиши. – Тошкент: “Адабиёт” 2021



8. Эркаев Абдурахим. Абдулла Орипов даҳоси. –Тошкент: Олтин нашр, 2021.
9. “Абдулла Орипов замондошлар хотирасида”. – Тошкент: «Адабиёт» нашриётида чоп этилган. Масъул муҳаррир Фароғат Худойкулова, тўпловчилар – Ҳанифа Мустафо қизи, Рухсора Орипова.